

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 28 ноябрь

ЧОРШАНБА

№ 271 (5.064)

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин.

«Қишлоқ ҳақиқати»га обуна давом этаёпти

МАЪНАВИЙ РАҒБАТ — ИНСОНГА ҚУВВАТ

Матбуот нашрлари тобора халқчиллик, ҳақгўйлик, таъсирчанлик касб этаёпти. Уларга қизиқиш ошиб бораётганлиги ҳам шундан. Бу ўзидан тушунарли. Кундалик турмушимизни рўзнома ва ойномаларсиз тасаввур қилиш қийин. Улар онг ва тасаввуримизни бойитади, қалбимизга маънавий озиқ беради, эзгуликка қорлайди. Шу маънода матбуотнинг тарбиявий аҳамияти бекиёс.

1991 йил нашрларига обуна тўлаш қизғин бораёпти. Рўзномамиз муштарийлари сафи кун сайин кенгаймоқда. Таҳририятга келаётган хат-хабарлар шундан шаҳодат. Обу-

на нархи ошганлигига қарамай муштарийлар сеvimли нашрларига ўз садоқатларини намоён этаёптилар. Зотан, маънавий пул билан ўлчанмайди. Ҳазораспиклар бошлаган хайрли ташаббус қалбларда акс-садо бермоқда: уруш ва меҳнат фахрийлари, серфарзанд оилалар, ишлаб чиқариш илғорлари жамоа маблағлари ҳисобидан обуна қилинаёпти.

Бу борада фарғоналиклардан ибрат ола арийди. Вилоят шаҳар ва қишлоқларида келгуси йил нашрларига ёзилиш ушқоқлик билан олиб борилмоқда.

БОҒДОД

«Ғалаба» жамоа ҳўжалиги раиси Саминжон ҲАМИДЖОНОВ:

— Қайта қуриш шарофати билан деҳқоннинг кўксига ширин тағин. У эркин меҳнат қилиб, яхши даромад олмақда. Бунинг маъноси амалга ошираётган ишлардан мамнунимиз. Рўзнома ҳаётини муаммоларни дадил ва одил кўтариб чиқмоқда. Унга обуна бўлишни истовчилар кўп. Аммо ҳаммада ҳам бундай имконият йўқ. Обуна нархининг ошганлиги аҳолини қийинлаштирляпти. Шунинг билан оғир, ҳўжалик маъмурияти, партия, касабаси уюшма кўмиталари 80 кишини жамоа маблағи ҳисобидан «Қишлоқ ҳақиқати»га обуна қилишни лозим топдилар. Рўзнома келгуси йилда ҳам яқин дўст ва кўмакдош бўлиб қолади, деган уминдмиз.

ТОШЛОҚ

«Фарғона» жамоа ҳўжалиги раиси Мухторали ФАҲРИДДИНОВ:

— Обуна жараёни ҳеч қачон бу йилгидек қийин кечмаган бўлса керак. Вақтли нашрлар нархининг ошганлиги баъзи муштарийларни иккилантириб қўйди. Қишлоқ жойларида даромад кам, оила жамғармасидан 17—18 сўм ажратиш оғир. Бу бола-чақа ризқини қийин деган гап. Уларни қийдириш, едириб-ичириш, ўқитишнинг ўзи бўлмайди.

Ҳўжалик бошқаруви меҳнатчилар инсон, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш ҳақида тағаллуқ қилмоқда. Етмиш йил иш келгуси йил учун «Қишлоқ ҳақиқати»га обуна қилинганлиги бунинг далилидир. Уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп болали оналар, ишлаб чиқариш илғорларидан бир гуруҳи ана шундай имтиёзга лойиқ кўрилди. Ҳўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан бақувват. Жорий йилда текширилган 28,6 центнердан, жами 3,292 тонна оқ олтин еттиштирилди. Пахтачиликдан 3,3 миллион сўм даромад қилинди.

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг имкониятлари катта. У ҳаёт қатламларига чуқурроқ кириб бориши, қишлоқдаги иқтисодий масалаларга кенгроқ ўрин ажратилиши лозим. Давр шунини таъвоз этаёпти.

Куйбишев номи жамоа ҳўжалиги раиси Турғунбой АБДУЛЛАЕВ:

— Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиш тарафдори. Бу янгиликнинг келажак борми? Иқтисодий-сиёсий соҳадаги тангликни қандай бартараф этиш мумкин? Сеvimли рўзномамиз — «Қишлоқ ҳақиқати»ни varaқлар эканмиз, ана шу каби саволларга жавоб топгандай бўламиз. Унда ёритилаётган мақолалар қизиқарли, рағбатлантирувчи ва ҳазиржавоблиги билан ажралай туради. Ҳўжалигимизда унинг ихлосмандларини кўп. Пахтакор ва чорвадорлар, бозорбўй соҳибдорлар, турли касб эгалари рўзноманинг ҳар бир сонини орзиниб кўтишади. Ишлаб чиқаришни юксалтириш, илғор тажрибаларни омдалаштириш, серқирра қишлоқ ҳаётини ёритишда унинг катта ҳиссаси бор.

Меҳнат фахрийлари, серфарзанд оилалардан 50 таси рўзномани янги йилдан бепул олиб ўқиш имконига эга бўлди. Улар жамоа маблағи ҳисобидан обуна қилинди. Ҳўжалик маъмурияти, партия, касабаси уюшма кўмиталари ана шундай қарорга келдилар. Гап пулда эмас, балки қадр-қимматда. Маънавий рағбат инсонга куч-қувват беришлайди.

ОХУНБОБОВ РАЙОНИ

«Намуна» жамоа ҳўжалиги раиси Омонбой ШОКIROV:

— Деҳқончилик маданиятини ошириш учун замонавий билимларни пухта эгаллаш, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш, тажрибани тақомиллаштириб бериш лозим. Ҳўжалигимиз меҳнатчилари бу борада «Қишлоқ ҳақиқати»га суяниб қолган. Унинг ҳар бир сонини ўзига хос, ўқинили. Давраларда, чойхоналарда, дам олиш чоғларида қўлдан тушмайди.

Келгуси йилда рўзномадан уминдмиз кўп. Ҳўжалик бошқаруви жамоат таъкилотлари билан маслаҳатлашиб, 80 кишини бепул обуна қилишга қарор берди. Бу кам таъминотли, серфарзанд оилалар, ҳурматли отахонлар ва

ШОШИЛИНЧНОМА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МУХТОР

ЖУМҲУРИЯТИ

ВАЗИРЛАР КЕНГАШИГА

ВИЛОЯТЛАР КЕНГАШЛАРИ

ИЖРОИЯ ҚўМИТАЛАРИГА

Жумҳурият деҳқончилик-саноат мажмуи ҳодимларининг рўзномаси — «Қишлоқ ҳақиқати»га 1991 йил учун обуна тўлаш ниятисига етмоқда. Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳар бир раҳбари ва мутахассиси ўз касб-корига оид ана шу нашрга ёзилиши, унинг саҳифаларида тармоқ муаммолари ёритилишига фаол ҳисса қўишни керак. Бироқ рўзномага обуна бўлиш иҳоятда қоникарасиз аҳволда бормоқда. Қолган уч кун мобайнида якка тартибда ва жамоа бўлиб обуна тўлашни жадаллаштириш юзасидан бутун чоралар кўриломоғи зарур. Ҳар бир ҳўжалик ўз иш фаолиятида фойдаланиш мақсадида жамоа маблағи ҳисобидан жумҳурият деҳқончилик-саноат мажмуининг долзарб муаммолари, илм-фан тавсиялари ва илғорлар тажрибаси мунтазам эълон қилинадиган «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасига камиди 5 нусхадан обуна бўлиши лозим.

И. ЖУРАБЕКОВ,

Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари.

онахонларга моддий мадад. Истагимиз: инсон ва имон, маънавий тарбия, бозор муносабатлари, иқтисод ва тежамкорлик мавзуда кўпроқ мақолалар ёритилса.

Калинин номи жамоа ҳўжалиги раиси

Абдулжаббор ИДРИСОВ:

— Ҳўжалигимиз пахтакорлари жорий йилни муваффақиятли якунлаштирлар. 1007 гектар майдондан 2760 тонна сара ҳосил еттиштирилди. Бу — режадан зиёд. Тайёрланган хом ашёнинг 95 фоизини биринчи сортларга сотилди. Тармоқдан 2 миллион 500 минг сўм даромад қилинди.

Кўриниб турибдики, моддий манфаатдорлик чакни эмас. Лекин бу ҳаётини эҳтиёжлар олдига даредан томиш, холос. Қишлоқ кишини меҳнатига яраша ҳақ олаётгани йўқ. Топпиш-тутуши ҳисобли. Кўпчилик ҳамон амал-тақал билан кун кечираёпти. Шароит нозор. Обуна тўлаш қийинчилик билан олиб борилаётганлиги ҳам шундан. Ҳўжалигимизда «Қишлоқ ҳақиқати» муштарийлари сонини 50 кишига кўпайтирган бўлди. Жамоа маблағи ҳисобидан обуна қилинганлар орасида меҳнат илғорлари, кўп болали оналар бор. Биз бундан кейин ҳам улардан ердимизни аямаймиз.

Олтиариқ райониди «Ленинизм»

ҳамда Ленин номи жамоа ҳўжаликлари (раислари М. ҚАМБАРОВ, К. МАМАДАЛИЕВ), Киров райониди «Искра», «Москва» жамоа ҳўжаликлари (раислари А. ЭҲСО-НОВ, С. ПУЛТАОВ), «Октябрь 40 йиллиги», «Бешариқ», «СССР 60 йиллиги» давлат ҳўжаликлари (директорлари Ф. РАҲИМОВ, Т. БАРАКШОВ, Т. ЭРКАБОВЕВ), Ўзбекистон райониди «Қолғандар», «Комсомол», «Кўқон», «Ўзбекистон» давлат ҳўжаликлари (директорлари В. ҲАМРОҚУЛОВ, А. МИРСОЛИЕВ, А. АҲМАДАЛИЕВ, О. ТОЛИПОВ)дан ҳам ана шу

ОЛТИАРИҚ

«Ленинбод» давлат ҳўжалиги бош ҳисобчиси Юсуфжон НАЗИРОВ:

— Матбуот — ҳаёт кўзгуси. Ҳозирги ошкоралик шароитида ҳар бир газетхон бунинг қалбидан ҳис этаёпти. Яқин ўтмишда йўл қўйилган хато-камчиликлар, «пахта иши» билан боғлиқ воқеалар ҳақида дадил, рўй-рост сўз юритилаётганлиги диққатга молик. Ҳур фикр, соғлом танқидга кенг ўрин берилляпти. «Қишлоқ ҳақиқати» ҳам бундан мустасно эмас. Унда қишлоқ одамларининг кураш ва интилиши, оруз-ўйлар, дарду ташвишлари ўз ифодасини топаётир.

Ҳаёт бир ерда тўхтаб турмайди. Мамлакатимиз жиддий синовга ҳозирлик кўрмоқда: янги йилдан бозор муносабатларига ўтилади. Бу барча соҳа ҳодимлари, жумладан пахтакор ва чорвадорлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юкляди. «Қишлоқ ҳақиқати» уларнинг яқин кўмакдоши ва маслаҳатчиси бўлиб қолиши шубҳасиз. Ҳўжалик аъзолари, мўтабар отахон ва онахонлардан 50 нафари рўзномага бепул обуна қилинди. Бу уларга кўрсатилган ҳурмат ифодасидир.

КИРОВ РАЙОНИ

Киров номи давлат ҳўжалиги

директори

Сотиболд АБДУМАЖИДОВ:

— Меҳнат қилган элда азиз. Ҳўжалик маъмурияти, партия, касабаси уюшма кўмиталари яқинда ишлаб чиқариш илғорлари, ҳурматли кесалар, кўп болали оналардан 50 нафарини «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасига келгуси йил учун жамоа маблағи ҳисобидан обуна қилишга қарор бердилар.

Бу тасодиқий эмас. Иқтисодий тақчиллик кишини тодиқтириб қўйди. Даромад оз. Ишлаб чиқариш маблағи рўзгорининг кам-кўсидан ортамайди. Бундай шароитда оила жамғармасидан 17—18 сўм ажратиш оғир, албатта. Шунинг учун биз уларга моддий ёрдам кўрсатишни лозим топдик. Рағбатлантиришда гап кўп. Деҳқон мутуола қилиши, кўнглили ҳордиқ чиқариши керак. Ана шунда унинг ишн унумли бўлади. Билим ва тажриба — эгизак Сеvimли рўзномаси янги йилда ҳам ўз йўли, ўз қиёфасини бойитса, деймиз.

«Партия XX съезди» давлат ҳўжалиги

директори

Маъмуржон СОБИРОВ:

— Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос талаблари борки, уларни ҳисобга олмастик мумкин эмас. Матбуот соҳасида бу қорға, бўёқ, алоҳа хизмати ва ҳоназорлар учун тўланадиган ҳақнинг ошганлигида кўринаёпти. «Қишлоқ ҳақиқати»нинг бир йиллик обуна баҳоси 17 сўм 40 тийин. Кам даромадли оилалар учун ҳар бир сўм ҳисобда. Шунинг назарда тутиб 40 кишини рўзномага жамоа маблағи ҳисобидан обуна қилишга қарор қилинди.

Ҳўжалигимизда кузги-қишки тадбирлар ушқоқлик билан олиб бориляпти. Майдонлар ғўзопандан тозаланиб, сифатли шудгорланмоқда. Мақсадимиз — келгуси йил ҳосилига пухта замин яратиш.

ЎЗБЕКИСТОН

«Ганибод» давлат ҳўжалиги директори.

Абдуллажон АҲМЕДОВ:

— Жумҳуриятимиздаги иқтисодий аҳвол, нозор турмуш тарзи ҳар бир кишини ташвишлантиради. Турғунлик йилларида илди отган қарийбқийи-бўйруқбоалиқ усули маънавий қадриятларимизга пўтур етказди, тараққиётга ғўт бўлди. Бунинг сабаблари кўп, албатта. Ўтмиш хатолари тақорланмаслиги керак.

Ҳўжалигимиз яқин-яқин вақтларга қолоқлар сафиди эди. Ишлаб чиқаришни юксалтириш учун барча бўғинлар олимдон, маалаки қадрлар билан таъминланди. Ташкилчилик кучайтирилди. Деҳқонга ер ва эрқ берилди. Буларнинг самараси эриштирилган юзларда намоён. Жорий йилда пахта, пилла ва бошқа соҳаларда белгиланган режалар зиёдадан билан урдаланди. Алий кеча-кундузда бўлгуси ҳосилга пухта замин яратилмоқда.

Тан олиш керак: «Қишлоқ ҳақиқати» пахтакор ва чорвадорларимиз учун ўзига хос тажриба мактабига айланган. Унда ёритилаётган лишиқ, эҳтиросли мақолалар кўпчиликка манзур. Мутахассис маслаҳатлари, йўл-йўриқлари ишимизда қўл келаяпти.

Ҳўжалигимиз меҳнаткашлари рўзноманинг доимий муҳлиси бўлиб қоладилар. 40 кишини келгуси йил учун жамоа маблағи ҳисобидан обуна қилиди. Бу бизнинг хайрли ишга қўшган камтарона ҳиссамиздир.

мазмунда хат-хабарлар олинди.

Уларнинг ҳар бирида 20—30 кишини жамоа маблағи ҳисобидан келгуси йил учун «Қишлоқ ҳақиқати»га обуна қилинганлиги маълум этилган. Қаторда нозиринг бўлса, юкин ерда қолмайди. Биз рўзномамиз тақдирини ҳақида қайғуриб, ҳиммат ва саховат кўрсатаётган барча илосмандларга таҳририят номидан самимий миннатдорчилик изҳор этамиз. Улар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, тақлиф ва истаклар албатта инобатга олинади.

Н. ТОШЕВ,

хатлар, шикоятлар ва оммавий ишлар бўлими мудири.



Муроджон Акбаров — Боғдод райониди «Ленинград» жамоа ҳўжалигининг илғор меҳнатқили. У йиним-терим мавсумида Бункердан 130 тонна пахта тўкиб, пешқадамлик қилган эди. Моҳир суворий

кузги-қишки тадбирларини амалга оширишда ҳам ҳамкасбларига ўрнак кўрсатмоқда. СУРАТДА: Муроджон Акбаров, Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сура.

М.С. ГОРБАЧЕВнинг Умумевропа учрашуви тўғрисидаги ахбороти

Депутат ўртоқлар! Паридаги Умумевропа учрашуви ҳақида сизларга ахборот беришни ваъда қилган эдим.

Унинг тарихидан олдинги давр ҳақида икки оғиз сўз.

Халқ депутатлари биринчи съездининг ССЖИнинг янги ва ташки сиебати тўғрисидаги қарорда мамлакат хавфсизлигини мустақамлашнинг ҳамда қайта қуриш учун зарур бўлган тинч ҳамкорлини авж олдиришни назарда тутиб, умумевропа жараёнини чуқурлаштиришга қаранат қилинган, деган тўғридан-тўғри кўрсатма берилган эди. Биз аини шундай иш тутдик.

Бизнинг фаоллигимиз — аввало Совет — Америка муносабатларидаги фаоллигимиз — ҳамжиҳатлик ва халқро ишонч муҳитини вужудга келтириш соҳасидаги фаоллигимиз ҳозирги замоннинг энг муҳим муаммоларига янгича ёндашувларни пишиб етилган муҳитини тайёрлади, Бироқ, ўз мамлакатимиздаги, ўтган йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса Шарқий Европа мамлакатларидаги тағ-заминали ўзгаришлар сиебатчиларнинг, жамоатчиликнинг, халқларнинг қарашлари ва кайфиятлари таъсир ўтказган ҳал қилувчи омил бўлиб, албатта.

Европа мамлакатлари ўртасидаги муносабатлардаги на эмас, шу билан бирга умуман кўнуда ҳам ишончсизлик, қўқув ва тез тугай бошлади, сиесий мулоқот тобора мазмундор ва амалий тус олмақда. Дунда халқаро вазиятни тубдан ўзгариштиришга интиляётган қудратли икитмий кучлар қаранат келди. Қуролланиш пойтасининг машаққати унга жалб этилган мамлакатларнинг ривожланишигагина эмас, шу билан бирга бутун жаҳон иқтисодиётига, ҳозирги замон маданиятининг ўткир муаммоларини ҳал этишга ҳам жуда кучли таъсир қилаётган эди.

Ўтган йилнинг кузида биз вазият 1975 йилги Хельсинки учрашувидан кейинги янги, иккинчи Умумевропа учрашувини белгиланган муддатни — 1992 йилни кутмай, яқинлаштириш имконини бермоқда ва талаб қилмоқда. Деган хулосага келдик. Бизнинг бу ташаббусимизга аввалбошда ҳақдорлик қаралган, бироқ кейин унга қўшилиб, таъсир қилган киришдилар. Тўғри, Хельсинки-2 «ўз жойида» қолди, у 1992 йилда ўтказиладиган бўлди. Бироқ, яқинда Парида бўлиб ўтган учрашувини ўтказишга, уни Европадаги олдий қуролли кучларни қисқартириш тўғрисида шартнома тузиладиган пайтга тўғрिलाшга қарор қилинди.

Мен шунга асосланаманки, депутатлар учрашуви ҳақида эълон қилинган хабарлар билан танишганлар, учрашуви анча кенг ёритилди ва табиийли, улар меннинг шу масала хусусидаги нутқларим билан ва баён этилган фикрларим билан танишдилар.

Шу сабабли Парида аййилган гапларни тақорлаб ўтирмаймиз. Бу нобай-куман биз учун, биз ўз мамлакатимизни ўзгариштириш ишларини давом эттирадиган ташки вазият учун қандай аҳамиятга эга эканлигини, учрашуви якунларидан қандай амалий хулосалар чиқариши сиебати кераклигини баҳолаб беришни ўз вазифам деб биламан.

Анжуманда дундаги давлатларнинг қарийб тўртдан бир қисми, шу жумладан иқтисодий жиҳатдан анг янги ривожланган кўпгина давлатлар ва БМТ Хавфсизлик кенгашининг 5 доимий аъзосидан тўрттаси қатнашди. Бу мамлакатларда 1 миллиард кишини кўпроқ аҳоли яшайди. Анжумандаги кўп нарсалар мислсин эди, кўп воқеалар биринчи бор содир бўлди ва улар ҳақида биринчи бор гапирдик.

Европаликлар анди уруш шабадаси эсиб турган даврда яшамаётганликларини ҳамма илқ бор ҳис этди.

Биринчи бор бутун Европа вакиллари икитмий, сиесий йўлни таялаб олиш эркинлигини ва миллий хусусиятлар кўп хиллигини тасдиқлаб, Европа халқларининг манфаатлари ва тақдирлари муштараклигини бир овоздан билдиридилар.

Биринчи бор «Шарқ» ва «Гарб» мафкураий можа-ро ва руҳий уруш тушунчаси деб эмас, балки муғтрофий тушунчалар деб қаралди.

Биринчи бор Умумевропа ахборотида азалий оруздан ёки ташвиқотчилик шийоридан қундалиқ воқеиқа айлана бошлади. Бунда иқтисодиёт, энергетика, экология, транспорт, аҳолининг кўчиб юриши, зиелиларнинг ўзга юртларга кетиши, оз сонли миллатларнинг норозилиги ва ҳоназо шу каби янги муаммолар ва ташвишлар ҳам борлигини ҳамма тушуниди ва қайд этди. Аммо булар муҳолифлик мақсадларидан ва усулларидан холи бўлган фақат тинч муаммолар эди.

Биринчи бор сиесий ишонч ҳужжат тарзида расмийлаштирилган ўзаро мажбурият шаклига кирди.

Кейинги вақтларда ССЖИнинг Бирлашган Германия, Франция, Италия, Испания, Финляндия билан тузган (ва тузишга ҳозирлик қўраётган) янги тигиди икки томонлама декларациялари ва шартномалари, шунингдек Париж учрашувининг ўзида 34 давлат изҳолган ҳужжатлар янги Европанинг сиесий-ҳуқуқий асосини вужудга келтирди, янги Европа XXI асрга шу асос билан боришга қарор берди.

(Давоми учинчи бетда).

ССЖИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

1990 йилнинг 15 ноябридан БИР ҚАНЧА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИГА ШАРТНОМАВИЙ (ЭРКИН) НАРХЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТДА ВУЖУДГА КЕЛГАН ВАЗИЯТ ТЎҒРИСИДА

ССЖИ Вазирлар Кенгашининг ахборотини ҳамда Иттифоқ Кенгашининг Меҳнат, нарх ва иқтисодий сиебат, режа ва бюджет-молия комиссиялари ҳамда Миллатлар Кенгашининг Халқ истеъмол моллари, савдо, аҳолига коммунал-маиший ва бошқа хизматлар кўрсатиш комиссиясининг хулосасини тинглаб, ССЖИ Олий Кенгаши қарор қилди:

ССЖИ Вазирлар Кенгашига бир ҳафталик муддат ичиди бир қанча халқ истеъмол моллари шартномавий (эркин) нархлар жорий этилганлиги муносабати билан 1990 йилнинг 15 ноябридаг кийин истеъмол бозорида вужудга келган вазиятни таҳлил этиш, таҳлил натижалари юзасидан қарор қабул қилиш ва бу ҳақда ССЖИ Олий Кенгашини хабардор этиш топширилсин.

ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси

А. ЛЗ КЯНОВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 23 ноябрь.


ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

XXЖ Шинжон-Ўйгур мухтор районининг ҳукумат делегациясини Ўзбекистон турмуши билан танишмоқда. Меҳмонлар Андиқон ва Самарқандга сафар қилдилар. Улар мазкур шаҳарларнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечиридилар, саноат корхоналарини бориб кўрдилар, қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришини билан танишдилар.

XXЖ Шумр халқ ҳукуматининг раиси Т. Давоматнинг расмий таърифи доирасида шу мухтор районнинг савдо-иқтисодий делегацияси ҳам жумҳуриятимизга келди. Меҳмонлар Самарқандни зиёрат қилдилар. Қадимий шаҳарнинг меъморий ёдгорликлари билан танишдилар.

25 ноябрь кунини делегация аъзолари Ўзбекистон ССЖ Давлат режалаштириш комитетида манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг вакиллари билан учрашдилар. Шу кунини бошқа аълоий учрашувлар ва мулоқотлар ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг устави лойиҳаси муҳокамада



Партия ва ҳукуматимизнинг Мирза-чўли оёқ қилиш ҳақидаги даъватига жавобан шинам уй-жойини, сермева боғ-роғларини ташлаб буз ерларни ўзлаштиришга отланган Ганяшер Юнусовни қўнғилиш ахши билан, Сирдарё вилоятининг Меҳнатобод районидagi йирик хўжалик ҳозир унинг юзи билан аталади. Меҳнат ахши бу йил давлат режаларини ортиги билан адо этиб, хўжалик ташкил тошган куннинг 15 йиллигига мунособ совга тайёрлади.

Шу муносабат билан совхозда катта ҳосил байрами ўтказилди. Унга фахрийлар, илгир ишчилар, Улуг Ватан уруши қатнашчилари тақлиф қилинди. Суварилар мусобақасида улоқ бахслари, Ленинбод филармонияси артистларининг дилрабо куй ва қўшиқлари байрамга фойз киритди. Нуроний отахонлар сов-

хозининг ташкил қилиниши, дастлабки йилларнинг қийинчиликлари тўғрисида ёшларга сўзлаб берди.

Тантаналар то оқшомгача давом этди. Қатнашчиларда у катта таассурот қолдирди.

СУРАТЛАРДА: сиз байрам лавҳаларини кўриб турибсиз.

А. ТУРАЕВ олган суратлар.

Халқ табобати

ДОРИСИЗ ДАВО

Ўзбекистон жумҳурияти Соғлиқни сақлаш министрлиги «Шарқ» табobati маркази табиб Мирзакарим Норбековнинг Тўртқул ва Эликкалға районларида руҳий таъсир кўрсатиш йўли билан ўтказилган табиб муолажалари ахши самара берди. Тўртқул районининг Дитро-нов номи, «Ўзбекистон», «Коммунизм», Эликкалға районининг Калинин номи, Охунбобоев номи, «Қирқизобод» жамоа хўжаликларидо доридармонсиз руҳий таъсир ўтказиш йўли билан даволаш натижасида минглаб кишилар буйратидан қўн ва майда тошлардан тушганини, неча юзлаб киши эшитиш, кўриш қобилиятлари яхшиланганини, яна қанча одам бадандаги чан-диқ излари йўқолганини мамнуният билан изҳор этишди.

Кўпгина беморлар эса томоқ, бўғин ва мускуллар шамоллаши, бош ва буйрак ог-рити сингари касалликлардан халос бўлишганини, бел-гиланган муолажалардан кей-ин ўзларини ахши ҳис эти-шаётганини миннатдорчилик билан таъкидлашди.

Шуниси диққатга сазовор-ки, Мирзакарим Норбеков бошлиқ табиблар гуруҳи оғир беморларни, Улуг Ва-тан уруши иштирокчилари ҳамда меҳнат қўнғилиш ва ноғиронларини даволашни ижтисодиёт ўтказди. Патта со-тишдан тушган маблағнинг маълум қисми эса Оролин асраш фондида бахшида этилди.

Ҳайъатхон бундай муола-жаларни Беруний, Ленин-бод, Хоразм вилоятининг Боғот ҳамда Шовот ноҳи-яларида ҳам ўтказиш режа-лаштирилган.

Э. МАДРАХИМОВ.

ГУНОҲЛАР ВА ГУВОҲЛАР

Усмон Юсупов ноҳияси та-биати муҳофазаси қилиш дав-лат инспекциясининг бош му-тахассиси, катта давлат ин-спектори Зафар Шарипов яқинда матлубот жамияти идораси ҳуқуқда текшириш ўтказди. Мазкур идорага қа-рашли «Озода» ошхонаси ходимлари чиниқди ва ахлат-ларини очиб жойта ташлаётга-ни маълум бўлди. Оқова на-чқинди суз учун махсус чу-қур қазилмаган. Натижада улар ер остига сизиб, сизот сувининг инфосланганига, ат-роф-муҳитга хид тарқалиши-га сабаб бўляпти. Бунда «Озода» ошхонаси ходимла-ри Тўра Жураев, Очил Жу-раев, озиқ-овиқат дўкони му-дир Гафур Эрзауров, Тўй-мурод Хидировлар айбдор деб топилди.

Шу каби ҳол автобуслар тўхтайдиган бекат ёнида жой-лашган сомсахонада ҳам мав-жуд. Бу ердан чиқаётган ах-лат ва чиниқдиган — кўмир майдаси, кул, пизб ва саба-зот пўчоғи махсус яшиқлар-га солинайди.

Яқинда Собир Раҳимов номи 1-ўрта мактабда ҳам озодалик текшируви ўтказил-ди. Билим даргоҳида тоза-

лик аҳволи нозор. Мактаб ошхонаси чиниқдиси ва ов-қат қолдиқлари шундоқина унинг ёнига ташланмоқда. Ахлат солинадиган яшиқлар эса бўм-бўш. Бундай аҳволта мактабда хўжалик ишларини олиб борувчи Умарқул Раҳ-монов, ошхона бош пазандаси Рустам Амировлар айбдор деб топилди.

Уй-жой бошқармасига қа-рашли кўп қаватли бинолар атрофини текширишда ҳам аяниқ аҳволнинг гувоҳи бўлди. 10, 12, 14, 15-сонли уйлар теварағида ҳар хил чиниқидилар уйлиб ётибди. Умуман кўп қаватли бино-ларда яшовчилар атроф-му-ҳит тоза бўлишига эътибор бермаётганлар. Уйлар орали-ғида қўнғилиш қўлайиб турли касалликларни тарқатмоқда. Бу ҳақда уй-жой бошқарма-си бошлиғи Ҳамроқул Рузи-муродов огоҳлантириди. Суз тармоқлари бошқармаси бош-лиғи Саъдулла Холқов ҳам бу масалага эътибор бермапти.

Ноҳия ремонт ишлаб чи-қариш корхонасига қарашли посёлкада ҳам қатор камчи-ликлар борлиги аниқланди.

Чиниқди солинадиган яшиқ-лар тозаланмай, икки-уч ой-лаб туради. Камчиликларни бартараф қилиш корхона на-саба уюшма қўмитаси раи-си Шавкат Ражабовнинг ҳаё-лига ҳам келмаяпти.

Қаиқадар қурилиш агро-ноат бошқармасига қа-рашли механизациялашган 236-қўйма колоннада таби-ати муҳофазаси қилиш аҳво-ли талаб даражасида эмас. Ташкилот ҳисобидан 27 та техникадан ўн олтинтаси ди-зель ёқилғисига, ўн биттаси бензинда ишлаши аниқлан-ди. Автобиллардан тўтун чиниқини созлаш, уларга экологик паспорт бериш иш-лари олиб борилмаган. Бу ерда табиати муҳофазаси қи-лиш ишига жавобгар Маҳмуд Тўқамшиев, автога-раж бош механизми Шоҳзад Санйорқов ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қа-рамолган.

Табиати муҳофазаси қи-лиш — ҳар бир кишининг бурчи. Уни ҳалол бажара-ларига кўнган мақсадга эришяпти.

Н. ТУРСУНОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

Фиръавилар давридаги қа-димики Миср қайиқларида ўх-шаш ўнм ясаган қайиқда Ат-лантика океани бўйлаб суза-ётган француз сайёҳи Андре Артеян Урта деңиздаги Мисрнинг Мерса-Матрух шаҳ-ри гаваинда лангар ташлади. «Мидл ист таймс» ҳафтаона-сининг хабар қилишича, Ар-теян сайёҳата 1988 йил июль ойида Марсель шаҳридан чи-ққан эди. Икки йиллик сайёҳат давомида у Африкадаги 15 та мамлакатда бўлди.

«Сингапур учун жанг» — янги сайёҳлик маршрут шун-дай номланди. Сингапур сай-ёҳлиги ривожлантириш бош-қармаси шу маршрут очилиши ҳақида хабар берди. Бу мар-шрут Британиянинг собиқ му-стамалаксини Япония армияси 1942 йилда босиб олиши бил-лан боғлиқ жойлардан ўтган. У бичиқик навбатда Синга-пурни мудоффа қилишда иш-тирок этган Буюк Британия, Австралиа ва Янги Зеландия ветеранларига мўлжалланган. Сайёҳлар собиқ жангхоналарда, ҳарбий асирлар сақланган жойларда, ўшандаги воқеа-ларда қатнашган танкида ки-

шиларнинг шамдан ясалган шакллари қўйилган музейда бўлишлари мумкин.

Хиндистоннинг Хайдаробод шаҳридан 29 йиллик актёр Шри-нивас улуқсиз тақлид қилиш юзасидан жаҳон рекорди ўн-тибди. У «Гиннесс рекордлари китоби»га киритилган иборат ўз орзусини амалга ошириш учун қарийб 500 кишилик ташаб-бускор томошбин иштироки-да 32 соат давомида танкида сизиб арбоблар ва кино ко-дуларини «маскаралади, тур-ли қўш ва ҳайвонларнинг ово-зини ўхшати. Шундай қилиб Шринивас етти соатга тенг бўлган аввалги жаҳон рекор-ддан ўрт баравардан кўп-роқ ўзб кетди.

Японияда моторини қўйш ҳа-ракатида келтирилган даст-лабки автоомобиль йўл ҳарака-тининг тенг ҳуқуқли иштирок-чиси сифатида рўйхатга оли-нди. Танкида «Тойотта» автомо-биль концерни мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган га-лати машина эгасига Нагоя шаҳри йўл ҳаракати хизмати вакиллари рўйхатга олиналлик ҳақида номер берди.

«Қўшмобилнинг» электр мотори қўйш нурини электр энергиясига айлантириш ҳисо-бига ҳаракатга келтирилди. Машина томига ўрнатилган қўйш батареяси шунингдек ан-кумуляторларга қувват беради, бу энергия автоомобилдан ҳаво булут пайтда ёки тунда фой-даланилганда сарфланади.

«Телевизор олдиде ўтириш сизнинг соғлигингизга зарар келтириши мумкин» — Кали-форния университетда меҳнат қилиётган педатор Куртголд ҳар бир Америка телевидиога шундай огоҳлантириш ёзмадан қотозин епилаб қўйиш керак, деб таъкиф қилди. Икки йшдан йнграида ёшган бўлган 1.066 миқозини текширган Куртголд ҳар кун телеэкран олдиде ки-ки ва ундан кўпроқ соат бўл-ган болалар ва ўсмирларда қондаги холестерин моддаси телевизор қам кўрган тенг-дошларига нисбатан икки ба-равар кўп бўлишини аниқла-ди, бу эса организмда модда алмашувининг бузилишига олиб келади.

Муҳаррир вазифасини бажарувчи Н. ЕҚУБОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ДАВЛАТ-КООПЕРАТИВ КОМИТЕТИ
Р. Р. ШРЕДЕР НОМИЛИ БОҒДОРЧИЛИК ВА ҲУСУМЧИЛИК ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ
ЖУМҲУРИЯТ БИР ИЛЛИК БОҒБОНЛАР ТАЙЕРЛАШ МАКТАБИ
1991-ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАКТАБ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ ВА ШҶРО ХЎЖАЛИ-ГИ УЧУН БОҒДОРЧИЛИК ВА ҲУСУМЧИЛИК, ПАЛЪ-МЕТТА БОҒЛАРИ БҶИЧКА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР, ЦИТРУС МЕВАЛАРИ МУТАХАССИСИ ҲАМДА УСТА-ТЕХНОЛОГЛАРИ ТАЙЕРЛАЙДИ.

Мактаб боғбонларининг малакасини оширади, шу билан бирга қўшима равишда ДОСААФ ихтиёрида ташкил қилинган шофёрлик курсида ўқиш хохловчи ўқувчилар ўзлари ҳисобидан пул тўлаш йўли билан ўқитилиб, шу ўқувчиларга хаваскор шофёрлик гувоҳномаси берилади. Боғдорчилик, ҳуСУМЧИЛИК соҳасида меҳнат фаолияти бўлган, 8—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган шахслар жамоа хўжалиги ва шҶро хўжалиги йўлланмаси билан қабул қилинади.

Ўқишга юборилган жамоа хўжалиги аъзолари ва шҶро хўжалиги ишчи-хизматчиларига иш жойидан ўртача ойлик маоши сақланади.

ЎҚУВЧИЛАР СТИПЕНДИЯ ВА ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.
Кирувчилар қўйидаги ҳужжатларини топиради: ўқишга юборилганлиги ҳақида ишлаб турган хўжалик то-монидан берилган йўлланма, маълумоти ҳақидаги ҳуж-жатларнинг асл нусхаси (аттестат, шаходатнома), соғлиги ҳақида 286-намунадаги тиббий шаходатнома, 3х4 см. катталикида 3 донга фотосурат, таржиман ҳоли, турар жойидан маълумотнома, мактаб директори номига ариза.

ЎҚИШ 5 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ.
Мурожаат қилиш учун манзилгоҳимиз: Тошкент ви-лояти, Тошкент ноҳияси, Гулистон қишлоқ Шўроси. Келес автостанциясида 479 — «Келес — Ёишт кўп-риқ», 231 — «Келес — Химик» автобусларининг қишлоқ Шўроси бекати.

478 — «Келес — Шредер институти» автобусининг «Р. Р. Шредер номи институти» бекати, «Олой» бозоридан 168-«тезор» автобусининг қишлоқ Шўроси бекати.

Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив қўмитаси
ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ
1990—1991 ўқув йилига
«АГРОНОМИЯ» ВА «ЎСИМЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ» МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА СИРТҚИ БЎЛИМГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумда ўқиш муддати 3 йил 6 ой.
«АГРОНОМИЯ» бўлимининг битирганлар: қолхоз ва сов-хозларда дала агрономи, ўрта бўғин раҳбарлари (бригада бошлиқлари), уруғчилик ва селекция агрономи бўлиб иш-лайдилар.

«ЎСИМЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ» бўлимининг би-тирганлар: агроном — энтомолог, ўсимликларнинг қаран-тин соҳаси бўйича агроном, қишлоқ хўжалик экинлари-нинг касалликларига — зараркунданларига қарши кура-шувчи мутахассис бўлиб ишлашлари мумкин.

СИРТҚИ БЎЛИМГА КИРУВЧИЛАР: танланган мута-хассисликларга ариза билан қўйидаги ҳужжатларини қў-шиб топирадилар:

Маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусха), медицина-справкаси 086/У формаси, 3х4 см. ҳажмли тўрт донга сурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, иш жойидан йўлланма, паспорт ва ҳарбий ҳужжат (билет) шахсан кўр-сатилади.

Аризалар 30 ноябргача қабул қилинади.
Кирпиш имтиҳонлари 15 декабрда бўлади.

Кирувчилар ўз хоҳиши билан ОНА ТИЛИ ёки РУС ТИЛИдан — ёзма (диктант) ва КИМЕдан (ёзма) кирпиш имтиҳонлари топирадилар.

Мурожаат учун манзилгоҳ: 702033, Тошкент вилояти Калинин ноҳияси, «Назарбек» қишлоқ Совети, «Пахтакор» метро станциясидан 53-автобус, «Чилон-зор» метро станциясидан 182-автобуслар билан «Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми» бекатигача борилади.

САНЪАТ ИХЛОСМАНДЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!
АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ САРОИНИ ҚОШИДА ТЕАТР ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИГА КИРУВЧИ ЁШЛАР УЧУН 3 ОЙЛИК ВА 6 ОЙЛИК ПУЛЛИ ТАЙЕРЛОВ КУРСЛАРИНИНГ СИРТҚИ, КЕЧКИ ВА КУНДУЗИ БЎЛИМЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тайерлов курсига қабул қилинганлар саҳна нутқи ва ҳаракати, клуб сценарийи ва режиссураси, актёрлик ма-ҳорати ва режиссура (этнод, масал, шеър, ҳикоя, монолог, рақс, пластика қўшиқ, драматик асар таҳлили) театршу-нослик асослари, «Ўзбекистон театрларида» туркум лек-циялари ва ишчи ёши малакасини ошириш машгулот-лари бўйича таъминланади.

Практик машгулотлар катта саҳналарда ва Ўзбекистон телевиденисининг кўрсатувларида қатнашган ҳолда олиб борилади.

Машгулотларни маданият институтининг малакали ўқи-тувчилари ва Ўзбекистон телевиденисининг етакчи ре-жиссёрлари олиб борадилар.

Олти ойлик курсни тамомлаганларга имтиҳонлар асо-сида гувоҳнома берилади.
МАШГУЛОТЛАР ҲАММА БЎЛИМЛАРДА 4 ДЕ-КАБРДАН БОШЛАНАДИ.
Қабул ҳар кун соат 18 дан 21.00 гача.
Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Авиасозлар шаҳар-часи, Лиеунов кўчаси, Авиасозлар маданият саройи, 2-қават, 90-хона. (Транспорт: 23, 15, 48, 72, 6, 161, 103-автобуслар, 3, 23-трамвайларнинг «Маданият саройи» бе-кати. Метронинг «Чкалов» станциясигача борилади). Телефон: 96-55-81.

ДИҚҚАТ!

Кичик корхоналарни ривожлантириш халқаро маркази ва ССЖИ Давлат ҳисоб қўмитаси ҳисоб-китоб юритиш, ҳисоб ва иқтисодий ахборотларни машина ёрдамида қайта ишлаш соҳаси раҳбар ходимлари ва мутахассислари малакасини ошириш тармоқлараро илмгоҳининг Ўзбекистон тармоғи

КОРХОНАЛАР ВА КООПЕРАТИВЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ҲУСУСИЙ КИШИЛАРИНИ «КИЧИК КОРХОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ДОИР МАСАЛАЛАР»

мактаб-семинарига

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Семинарининг асосий вазифаси кичик корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг иқтисодий ривожланишида амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, мамлакатимиз икка-рисида, қўнғилиш чет элларда коммерция операцияларини ўтказиш ва мавжуд тақрибга асосида ўз махсулотларини сотиш пайтида шахсий корхоналари манфатини ҳимоя қилиш услублари билан таъмин этишдан иборатдир.

СЕМИНАРДА ҚЎИДАГИ МАСАЛАЛАР КЎРНИ ЧИҚИЛАДИ:

— Ўрта Осиё ҳудудида кичик корхоналарнинг ривож-и (кичик сармон билан иш юритиш);
— кичик корхоналар фаолияти билан таништирувчи қўнғилиш ва меъёрий далолатномалар;
— кичик корхоналарни ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини юритишнинг совет ва чет эл тажрибалари;
— кичик корхоналарни ташкил этиш ва зарур таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича тайёрларли ишла-ри;
— кичик корхоналарнинг молиявий ва ташқи иқтисо-дий фаолияти;
— кичик корхоналарда ишчи ўринларининг бандлиги ва ижтимоий ҳимояланишнинг ташкилий усуллари.

Семинар ишини йирик мутахассислар ва етакчи совет олимлари, иқтисодчилар, адлия ходимлари, чет эл фир-маларининг намоёндалари олиб боришади.

Мақтаб-семинар доирасида тингловчиларнинг хоҳишига кўра соҳа бўйича уларнинг ишбилармонлик фаолиятига нисбатан қобилиятларини аниқлаш амалга оширилади.

Мақтаб-семинарнинг ҳар бир қатнашчиси ССЖИда кичик корхоналар бўйича барча зарур материаллар ва чет эл тажрибасига оид (Италия, Япония, АҚШ ва бош-қа Ғарбий Оврупо мамлакатлари) материаллар, шунинг-дек кичик корхоналарга ёрдам кўрсатаётган ассоциация-лар, марказлар, ширкатлар ва бирлашмаларнинг про-спектлари ҳам берилади.

Ўқув курсининг тўла ҳажми 36 соат (1 ҳафта). Гуруҳ-лар ҳар ойнинг биринчи ва иккинчи душанба кунлари жамланади. Машгулотлар шу йилнинг декабрь ойидан бошланади.

Мақтаб-семинарда қатнашиш учун қизиққан ташкилот-лар ва ҳуСУСИЙ кишилар ҳар бир қатнашчи ҳисобига ССЖИ Давлат ҳисоб қўмитаси тармоқлараро малака ошириш илмгоҳи Ўзбекистон тармоғининг Тошкент шаҳар уй-жой-иқтисоди банки Киров бўлимида-ги 000609958-сон ҳисоб-китоб счётига 735 сўм пул ў-казишлари лозим. Код МФО 734321-сон.

Ўқишни тамомлаганлар имтиёзли маслаҳатлар бериш ва ахборот таъминоти системасига киридадилар.

Мақтаб-семинар қатнашчиларига ўқиш тугагач белги-ланган нусхадаги гувоҳнома берилади.

Мақтаб-семинар қўйидаги манзилгоҳда ўтказилади: 700077, Тошкент шаҳри, Луначарский шох кўчаси, 42-уй.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъ-минланади.

Маълумотлар учун телефонлар: Тошкент шаҳрида — 67-19-13, 67-19-03, 68-54-60. Москва шаҳрида — 939-35-55, 200-67-93.

«ОСИЕ-БАНК»
ТОШКЕНТ ТИКОРАТ БАНКИ
БАНК ОМОНАТЧИЛАРИ ВА ФУКАРОЛАРГА ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ,

1990 йил 1 ноябрдан

Маълум муддатли омонатлар бўйича фозилан даромад қўн миқдорда ошди.

Муддатли омонатларнинг егалари янги тартиб асосида шартномаларини қайта расмийлаштиришлари зарур.

Аниқ маълумотлар олиш учун қўйидаги манзилга му-рожаат қилинсин: 700093, Тошкент шаҳри, Юнусобод ҳадаҳи, 2-манзе, 8-уй. Телефон 21-30-18.

ДИҚҚАТ!

1991 йил 1 январдан

09-01 янги тариф преискурантининг кўчга кирганлиги муносабати билан корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларининг электр ва иссиқ-лик энергияларидан фойдаланиши тўғрисидаги илгари тузилган шартномалари

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларидан 1990 йил 1 декабрда энергия таъминловчи ташкилотлар билан ЯНГИ ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШИНИ СУРАМИЗ

«Энергоназор» давлат энергетика назорати ишлаб чиқариш корхонаси.

Ойнаи жаҳонда

29 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

● УэТВ I
11.25 Кўрсатувлар тартиби.
11.30 «Хўнор — хўнордан унор». Кинопрограмма.
12.30 Биология. Хўжайранинг ту-зулиши.
13.00 «Дурангсиз ўйин». Бадий фильм («Грузияфильм»).

● УэТВ II
19.00 Кўрсатувлар тартиби.
19.05 Янгиликлар.
19.10 «Ҳайвонот боғида». Мульт-фильм.
19.25 Болалар учун концерт.
19.55 «Алифбо сабоқлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Осийиштели посбонлари».

20.20 «Оқ ёл қиссаси». Телевизи-он Бадий фильм («Ўзбектеле-фильм»).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва, «Время».
22.00 «Дилефрўз». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
23.00 «Йикки соҳило». Бадий фильм.

● МТ I
7.00 «120 минут».
9.00 «Клима Сангининг ҳаёти». Кўп серияли телевизион ба-дий фильм. 13-серия.
10.15 Футбол. УЕФА кубоғи. 1/8 финал. «Торпедо» (Москва) — «Монако» (Франция).
11.55 Болалар соати (инглиз тили дорси билан).
12.55 Коллаж.
13.00 «Время».
13.40 Шахмат бўйича жаҳон чем-

пионатиде.

13.55 Баскетбол. Европа чемпио-натининг саралаш матчи. Эр-каклар. ССЖИ — Чехословакия терма командалари. 2-тайм. МАСК универсал спорт залидан кўрсатилади.

● МТ II
16.05 Белград «Йво Лола Рибар» ашула ва рақс концерти.
16.25 «Турначалар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Дербентлик қизил изопарлар отряди ҳақида (Владикавказ, Махачқала).
16.45 Тарих саҳифалари. Н. М. Карамзин, «Даврлар».
17.30 «Мишқа, кичикнотй ва бошқалар». 1 ва 2-фильмлар («Центраучфильм»).

18.50 Долзарб интервью.

19.00 «Время».
19.30 «...16 ёшгача ва ундан кат-талар».
20.15 «Клима Сангининг ҳаёти». Кўп серияли телевизион бади-й фильм. 13-серия.
21.30 «Время».
22.00 Шахмат бўйича жаҳон чем-пионатиде.
22.15 «Мусиқа эфирда». Танеф-фус пайтда (23.00) — «Ер — она масканида». Фотоконкурс.
00.20 «ТСН».

● МТ II
9.00 Эрталабки бадан тарбия машгуллари.
9.15 «Табият сирлари». Илмий-оммабон альманах.
9.35, 10.35 Табиатшунослик. 5-синф. Обу ҳаво ва уни олдин-дан билиш.
9.55, 10.55 «Уста ва Маргарита... испанчадан эркин таржима». Илмий-оммабон фильм.
10.05 Испан тили. 1-йил шуғул-ланавтганлар учун.
11.05 Испан тили. 2-йил шуғул-ланавтганлар учун.
11.35, 12.35 Физика. 8-синф. Электр токи ишлайди.
12.05 Педагогика ҳамма учун. 2-қисм.

● МТ II
13.05 А. Глазунов. Концерт-валльс. «Болаларнинг учун уй».
13.15 Такрорий телефильмлар се-анси. «Болаларнинг учун уй».
14.20 Ритмик гимнастика.
14.50 В. Готовцева куйлайди.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» — «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»

Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана. Выходит на узбекском и русском языках.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиш бўлими — 32-56-34. Дехқончилик бўлими — 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қу